

ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИДА ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Ибрагимова Шахноза Утқуровна

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг судьяси

Аннотация: *Мазкур мақола фуқаролик қонунчилигида шахсга доир маълумотлар тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонуни ва Европа Иттифоқининг GDPR регламентида берилган таърифлар қиёсий жиҳатдан ўрганилиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари очиқ берилган. Шунингдек, АҚШ қонунчилигидаги “шахсни аниқловчи маълумот” тушунчаси кўриб чиқилган ҳамда “маълумот” ва “ахборот” категориялари ўртасидаги ҳуқуқий фарқ асосланган. Мақолада шахсий маълумотларнинг ҳуқуқий табиатини белгилашга доир назарий концепциялар — жумладан, мулкӣ ҳуқуқ концепцияси ва инсон ҳуқуқлари концепцияси — таҳлил қилинган, уларнинг афзаллик ва камчиликлари кўрсатилган. Хулоса ўрнида миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш зарурати асосланган.*

Калит сўзлар: *шахсий маълумотлар, шахсга доир маълумотлар, маълумотларни ҳимоя қилиш, GDPR, хусусий ҳаёт дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқ концепцияси, идентификация қилиш*

Замонавий ахборот жамиятида шахсий маълумотлар масаласи нафақат

технологик, балки чуқур ҳуқуқий мазмун касб этиб бормоқда. Инсоннинг рақамли ҳаётга тобора кўпроқ чирмашиб бориши, шахсга оид ахборотнинг электрон тизимларда автоматик тарзда тўпланиши ва қайта ишланиши оқибатида шахсий маълумотлар замонавий ҳуқуқнинг энг долзарб объектига айланмоқда. Бу борада тадқиқотлар олиб борган олим Даниел Салове шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни “бир-бири билан зиддиятли муносабатда бўлган кўплаб манфаатларни мувозанатлаш санъати”¹ сифатида таърифлайди. Дарҳақиқат, шахсий маълумотлар атрофидаги ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик, маъмурий, жиноий ва халқаро хусусий ҳуқуқ тармоқлари кесишмасида жойлашган бўлиб, уни ягона тармоқ доирасида кўриб чиқиш имконсиздир.

Авваламбор, шахсий маълумотларни ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилишнинг зарурлиги уларни тартибга солувчи нормаларнинг кўплиги ва изчилсизлигидан келиб чиқади. Профессор Пол Шварц ўз тадқиқотлари орқали дунёда шахсий маълумотларни тартибга солувчи юздан ортиқ миллий ва минтақавий қонунлар мавжуд эканлигига эътибор қаратган. Бироқ, уларнинг тартибга солиш асослари ва қоидаларида фарқлар сақланиб қолаётганлигини қайд этган². Ушбу фарқлар маълумотларнинг трансчегаравий оқимида ҳуқуқий тафовутлар ва низоларни вужудга келтираётганлигини мазкур тадқиқотларимиз доирасида батафсил асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

¹ Daniel J. Solove. Understanding Privacy. – Cambridge.: Harvard University Press, 2008. –P.18.

² Paul M. Schwartz. Global Data Privacy: The EU Way // University of Illinois Law Review, №1, 2013. –P.55.

Ушбу бўлим доирасида шахсий маълумотларнинг ҳуқуқий табиатига доир назарий концепцияларни кўриб чиқиш ва уларни таҳлил қилиш асосий мақсад қилиб белгиланган. Шу мақсадда, аввало, ўзбек ва хорижий қонунчиликдаги таърифлар қиёсий таҳлил қилиш, ҳуқуқ назариясида мавжуд тўртта асосий концепция батафсил ўрганиш ҳамда шахсий маълумотларнинг ҳуқуқ объекти сифатидаги ўзига хос белгилари аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига кўра шахсий маълумотлар “муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот” тарзида таърифланган. Бу таъриф ўз моҳиятига кўра Европа Иттифоқининг “Умумий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Регламент (GDPR)”нинг 4-моддасида белгиланган “аниқланган ёки аниқланиши мумкин бўлган жисмоний шахсга тааллуқли ҳар қандай ахборот” деган таърифига яқин туради³. Шу билан бирга, мазкур икки таъриф орасида мазмуний фарқ мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган “аниқланиши мумкин бўлган” жисмоний шахс тушунчаси ҳуқуқий тартибга солиш усули жиҳатдан тўлиқ очиқ берилмаган.

Хорижий ҳуқуқий тизимларни таҳлил қилар эканмиз Европа Иттифоқининг “Умумий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Регламент (GDPR)” доирасида “аниқланиши мумкин бўлган жисмоний шахс”

³ Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council of 27 April 2016 on the protection of natural persons with regard to the processing of personal data and on the free movement of such data, and repealing Directive 95/46/EC (General Data Protection Regulation) // <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2016/679/oj/eng>

тушунчаси кенг талқин қилинади. Унда белгиланган қоидаларга кўра исм, идентификация рақами, жойлашув маълумотлари, онлайн идентификатор ёки жисмоний, физиологик, генетик, руҳий, иқтисодий, маданий ёхуд ижтимоий ўхшашликка хос бир ёки бир нечта омил орқали шахс тўғрисидаги маълумотлар аниқланиши мумкин бўлсагина, у ҳимоя доирасига киради.

АҚШ қонунчилигида “шахсни аниқловчи маълумот (personally identifiable information – PII) тушунчаси қўлланилсада, бироқ у федерал даражадаги ягона таърифга эга эмас. Бу ҳолат ҳам ўзбек ҳуқуқшунослиги олдида муҳим методологик вазифа қўяди. Мамлакатнинг рақамли иқтисодиётга интеграциялашуви жараёнида ҳуқуқий таърифни халқаро стандартларга мослаштириш зарурати тобора ошиб бормоқда.

Шу билан бирга “маълумот” ва “ахборот” тушунчалари ўртасидаги ҳуқуқий фарқни аниқлаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунининг 7-8-моддаларида ахборот “ҳужжатлаштирилган ёки ҳужжатлаштирилмаган маълумотлар” тарзида белгиланади. Ҳуқуқий нуқтаи-назаридан “шахсий маълумотлар” тушунчасини “ахборот” тушунчасидан фарқли равишда талқин қилиш лозим. Шахсий маълумотлар ҳар доим аниқ субъект яъни, жисмоний шахс билан боғлиқ бўлиши, ушбу жисмоний шахснинг ҳуқуқий ҳолатига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши зарур. Бундай таснифий ёндашув ҳуқуқий тартибга солиш мақсадларида ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи Орла Линский “маълумотлар субъекти” тушунчасини кенг талқин қилиш тарафдори бўлиб, уни “хатто билвосита идентификация

имкониятини ҳам ҳимоя этиш доирасига киритиш” лозимлигини ўз тадқиқот ишларида асослаб беради⁴. Бизнинг фикримизча, тадқиқотчининг ушбу ғоясини илмий ва амалий жиҳатдан тўлиқ қўллаб-қувватлаш мумкин. Рақамли муносабатлар ривожланаётган бугунги муҳитда жисмоний шахснинг айнан ўзини аниқлаб бермаслиги, бироқ унинг ижтимоий тармоқдаги ҳуқ- атвори, молиявий тарихи ёки жойлашув маълумотлари орқали у ҳақида батафсил “рақамли профиль” яратиш имконияти мавжуд. Мазкур ҳолатнинг у ёки бу ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда унинг ҳуқуқий оқибатлари билан боғлиқ ҳуқуқий тартибга солиш масалалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳозирча тўлиқ назарда тутилмаган.

Шунинг учун биринчи навбатда амалдаги тегишли қонун нормаларини такомиллаштириш ҳамда мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида шахсий маълумотларнинг ҳуқуқий табиатига доир назарий концепцияларни кўриб чиқиш зарур. Ҳуқуқ назариясида шахсий маълумотларнинг ҳуқуқий табиатини белгилашга доир бир неча концепциялар мавжуд бўлсада, биз мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз. Қуйида биз таҳлил объекти сифатида ўрганаётган концепцияларнинг ҳар бири шахсий маълумотлар масаласига турлича ёндашади ва ўзига хос ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Маълумотлар билан боғлиқ асосий концепциялар қуйидагилардан иборат:

– **мулкӣ ҳуқуқ концепцияси:** мазкур концепция тарафдорларидан

⁴ Orla Lynskey. The Foundations of EU Data Protection Law. – Oxford.: Oxford University Press, 2015. –P.47.

Н.Пуртованинг ғоялари замирида “шахсий маълумотларни” маълумот субъектига тегишли мулк сифатида эътироф этиш ва улардан фойдаланиш устидан тўлиқ назоратни таъминлаш лозимлиги асосланади. Ушбу ёндашув маълумот субъекти ўз маълумотларини сотиши, лицензиялаши ёки ишлатишдан бош тортиши мумкинлигини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилади⁵. Концепциянинг асосий кучи шундаки, у маълумотлар субъектига иқтисодий автономия ва ўз рақамли ҳаётини бошқариш имконини беради.

Бироқ, ушбу концепция бугунги кунда жиддий танқидларга учрамоқда. Жумладан, маълумотларни мулк деб белгилаш уларни тижоратлаштириш жараёнларини бошлаб юборишига ва шу орқали ижтимоий тенгсизлик муаммосини кучайтиришга олиб келиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан ҳимояланмаган аҳоли қатлами ўз маълумотларини “товар сифатида” сотишга мажбур бўлиш хавфи туғилади. Шу билан бирга маълумотлар анъанавий мулк объектидан фарқли равишда нусхаларини кўпайтирилиши ва тарқалиши жиҳатидан чегарасиз хисобланади. Уларни бошқаларга бериш ва ундан фойдаланиш эгасини мулкдан маҳрум қилмайди. Бундан ташқари шахснинг “ўзи ҳақидаги ахборот” устидан мутлақ ҳуқуқ талаб қилиши ижтимоий ва маъмурий муносабатларни мураккаблаштириши мумкин.

– **инсон ҳуқуқлари концепцияси:** инглиз олимлари Сэмюэль Уоррен ва Луис Брандайс томонидан 1890 йилда “ёлғиз қолиш ҳуқуқи (the right to be

⁵ Purtova N. Property rights in personal data: a European perspective // Computer Law & Security Review, 2019. – №5 (35). –P.12.

let alone)⁶ концепцияси илгари сурилган. Ушбу концепция кейинчалик замонавий маълумотлар ҳимоясининг фалсафий асоси сифатида йиллар давомида хизмат қилиб келди. Мазкур нуқтаи-назардан шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш моддий манфаат эмас, балки инсоннинг ажралмас ҳуқуқи яъни, хусусий ҳаёт дахлсизлигининг бир кўриниши сифатида эътироф этилади.

⁶ Samuel Warren., Luis Brandeis. The Right to Privacy // Harvard Law Review, 1890. №5 (4). –P.193.